O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 22 август, сешанба | № 34 (186) | Сотувда эркин нархда

Мустақиллигимизнинг 9 йиллигига 9 кун қолди



**БУГУНГИ СОНДА:**

**АДИБ НОМ ҚЎЙГАН ҚИЗАЛОҚ**

*Аброр Ҳидоятов номидаги театр актрисаси Дилбар Қосимова - "Сайилгоҳ" меҳмони*

*Истиқлол менинг тақдиримда*

# МЕН НЕЧУН СЕВАМАН, ЎЗБЕКИСТОННИ!





**Фазлиддин КАМОЛОВ, Тошкент Давлат Аграр университети толиби:**

-Мустақиллик биз ёшларни ўзлигимизни англашга ўргатди. Ўзликни англаш эса, бу-инсоннинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши, ҳаётда ўз ўрнини топишда эркин фикр юритиш қобилиятига эга бўлиши ва мустақил ҳаракат қилиши демакдир. Зеро, мамлакатимизни иқтисодий юксалтириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон жамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашида жонбозлик кўрсатиш, Президентимиз таъкидлаганларидек, биз ёшларга, яъни баркамол соғлом авлод вакилларининг куч-ғайратларига боғлиқдир.

Мақсадим, ўз ватанимнинг баркамол, фидойи фарзанди бўлиб, менинг камол топишимда қилинган меҳнатни юз ҳисса ортиғи билан қайтаришдир.

**Нодир СОЛИЕВ, Асқар АЗИЗОВ, Олий ўқув юрти талабалари:**

-Ўрта мактабни битирибоқ, кўнглимиздаги мақсад ва орзулар қанотида Тошкентга келдик. Омадимиз чопиб талаба бўлиш бахтига эришдик. Хуллас, биз қаерда бўлмайлик, қандай касбнинг бошини ушламайлик ота-онамиздан, мактаб ва ҳаётдан ўрганган билим ва малакага таяниб, мамлакатимизнинг муносиб фарзандлари қаторида унинг равнақи ва истиқболига пешвоз чиқамиз. Негаки, биз каби соғлом, билимли ва ўтюрак фарзандлар мамлакатимиз кучига куч, қудратига қудрат қўшиш лозим.

**Обид ИБРАГИМОВ, тадбиркор:**

Баъзан орқаваротдан мустақиллик бизга нима берди, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Йўқ, аслида биз бир-биримизга мустақиллик бизга эмас, биз мустақилликка нима бердик, деган савол берсак яхши бўларди.

Менинг жавобим шу, юртимиздаги барқарорлик мустақиллигимизнинг бизга берган инъоми эмасми? Ана шу барқарорлик, осойишта турмушни кўз қорачиғидек асрашга ҳаммамиз, айниқса, биз ёшлар бурчлидирмиз.

*Дилдаги гаплар*

# МУҚАДДАС ҚЎШИҚ



*Гўдак дунёга келиши билан дастлаб ҳис этадиган илк туйғу она меҳри бўлса, тинглайдиган илк қўшиғи она алласидир. Унинг юрагида меҳр туйғуси она қалбидан, муҳаббат туйғуси эса онанинг сеҳрли алласидан пайдо бўлади. Шунданми, гўдак учун Ватан онанинг қайноқ қучоғидир.*

*Бу Ватанда у ҳадикка бегона, ишончга ошно бўлиб яшайди, чунки унинг қошида посбони, она меҳри ҳамда ватан муҳаббати мавжуд.*

*Вақт жадал илгарилайди. Гўдак улғая боради. Ҳаётдаги эврилишлар сабабли унинг онгидаги аксарият тушунчалар ўзгаради. Бироқ бу эврилишлар унинг ватанга бўлган муносабатига ўз ҳукмини ўтказа олмайди. Фақат у аввал Ватан деб ҳисоблаган масканнинг асли Ватаннинг бошланиши эканини англаб етади. Энди у она деганда ватанни, Ватан деганда онани тушунади. Биз ўз диёримизни она Ватан дея аташимизнинг асосий сабаби ҳам эҳтимол шундандир.*

*Она юрт қалбимизнинг бир бўлаги, кўзимиз гавҳари, жисму жонимиздир. Не-не асл инсонларни вояга етказган она тупроқ не-не фотиҳлар жабридан азобланмади. Мусаффо осмони чанг ва дуддан қораймади. Сокин водийлари неча бор отлар дупури, қиличлар жаранги-ю тўплар наърасидан ларзага келмади. Қанча шаҳидлар қони дарё бўлиб оқмади. Аждодларимиз жон олиб, жон бериб жанг қилдилар. Ҳа, буларнинг барчаси истиқлол учун, юрт озодлиги учун уринишлар эди. Мана бугун Ўзбекистон байроғи адл кўтарилиб, дунё бўйлаб мадҳиямиз янгради, лабларда табассум жилваланди, кўзларда севинч ёшлари қалқиди. Ўзбекман деган миллатдошларимизнинг кўкси фахрга тўлди.*

*Сурхон воҳасининг тоғли ҳудудларига бир тўда террорчиларнинг ёвуз ният билан қадам қўйганлиги ҳақида хабар берилган чоғдаёқ халқимиз бу қора ниятли кимсаларнинг қисмати қандай якунланишини ҳис этган эди. Уларни муқаррар ҳалокат кутмоқда эди. Ўз тупроғини ҳар қандай кулфатдан асрашга тайёр турган Бобуржон Ғаниев, Маъруфжон Ражабов, Улуғбек Барноев каби ўнлаб ўғлонларнинг ҳам дилларида бир талай орзулари бор эди.. Улар ўз аждодларига муносиб фидойи ватанпарвар эканликларини исботладилар. Эл тинчлиги, осойишталиги йўлида шаҳид бўлдилар.*

*Ойнаи жаҳон орқали юраги қонга тўлса-да, ўз фарзандини мағрур туриб, сўнгги йўлга кузатаётган она матонатининг гувоҳи бўлдим. Бу мағрурлик, бу бардошда миллат юки, миллий ғурур деган туйғу яширин эди...*

*- Болам тирикдай, - дейди муштипар она. - Ўз элига қарата қурол кўтарган ватангадо ёвузларни қарғайман. Дилимга таскин бераман. Болам юртни душманлардан қўриқлаш йўлида ҳалок бўлди. Ота-онаси юзига оёқ қўйиб, ўз қариндошларига ўқ узишдан тап тортмай, тоғма-тоғ санқиб юрганларга она бўлишдан Худо асрасин!*

*Она қарғишидан оғирроқ нафрат йўқ дунёда. Навқирон умрини Ватан тинчлиги йўлига тиккан мард ўғлонларнинг номи ўчмас, абадий. Улар руҳи барҳаётдир.*

*Саодатли манзиллар сари одимлаётган юртдошимга шундай дегим келади. Сен билан мен катта йўлнинг бошидамиз. Бу йўлнинг ҳар қаричи азиз ва табаррук. Тупроғига эрк учун курашган аждодларимиз қони сачраган. Улар айтолмаган сўз, айтиб улгурмаган озодлик қўшиқлари ҳам шу йўлларда қолиб кетгандир. Биз ўша муқаддас сўзни айтайлик. Уларнинг бўғзида қолган қўшиқларни баралла куйлайлик. Жўмард феълимиз, чин инсонлик фазилатимиз билан улар руҳини шод айлайлик. Шижоату фидойилик бизга ҳамдам, шу азиз юртга меҳримиз ва садоқатимиз кўнглимизга ёр бўлсин.*

**Арофат МИРҲАМИД қизи**

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ҚАДРИ

*Огоҳ бўлайлик!*

***Башарият кечмишидан аёнки, тинчлик-тотувлик бор юртда юксалиш, тараққиёт устувор бўлади. Шунданми, кексаларимиз дуога қўл очганларида, албатта, "Оллоҳ тинчлик ва осойишталигимизни барқарор қилсин" деган калимани ҳам ўз ниятларига қўшиб айтадилар. Тинчлик ва осойишталик... Бундай мулоҳаза қилиб кўрсак, инсон ҳаёти учун сув ва ҳаводан кейин энг зарур бўлган неъмат асли шулар эмасми?..***

Хаёл-ўйларимни 20-25 йил ортга олиб учади. Ўша вақтларда аудиомагнитафонлар энди урфга кириб, деярли ҳар бир кўча муюлишларида ёш-яланг турли қўшиқ, мусиқа тинглаб ўтирганига гувоҳ бўлиш мумкин эди. Болалигимизнинг ҳайратларга қоришиқ рангин олами, айниқса, бир ҳофизнинг ширали овози билан кўп сарафроз эдиким, катталар уни "Аҳмад Зоҳир, афғонистонлик қўшиқчи" дердилар. Мен ўсмир онг, идроким билан гарчи Афғонистон деган давлат қаерда жойлашганлигини унчалик яхши билмасам-да, афғон халқига ғойибона ҳавас қилардим. Шундай ҳофизи бор эл эътирофга лойиқ, деб ўйлардим. Орадан кўп вақт ўтмади. Бир куни Афғонистонда аллақандай уруш бошланганини ва бу қаттол қирғин-баротда Аҳмад Зоҳирнинг ҳам юлдузи сўнганини эшитдим. Ва ич-ичдан англадимки, жаҳолат ҳукм сурган ерда эзгулик учун жой топилмас экан. Бу даъвомнинг исботи ўлароқ, мана 20 йилдирки, беқарорлик манбаи бўлиб қолган Жайҳун ортидаги қадим мамлакатдан на санъат, на спорт, на илмга алоқадор бирорта ҳам довруқли зот чиқмади.

"Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр" деган пурмаъно нақл бор элимизда. Ота-боболаримизнинг асрий орзуси ушалиб, она Ватанимиз истиқлолга эришган тўққиз йилдан буён мамлакатимизнинг равнақ топиши, дунёда ўз мавқеига эга бўлиши учун халқимиз бир тану бир жон бўлиб, қўлни-қўлга бериб, ўз тараққиёт йўлидан дадил бормоқда. Нисбатан қисқа муддатда ҳам иқтисод, ҳам сиёсат бобида оламшумул ютуқларга эришилди. Атеистик мафкурадан воз кечилиб, диний ва миллий қадриятларни тиклаш, имон-эътиқодли бўлиш, диний аркон ва аҳкомларни эмин-эркин бажариш, масжид ва мадрасалар фаолиятини йўлга қўйиш каби аждодларимизнинг эзгу орзулари рўёбга чиқарилмоқда.

Кейинги ўн йил мобайнида мамлакатимиз қишлоқ ва шаҳарлари ниҳоятда ўзгача жозиба касб этди. Буни юртимизга ташриф буюраётган минг-минглаб сайёҳу меҳмонлар оғзидан эшитиш янада мароқли. Мустақиллигимиз шарофати сифатида иқтидорли ўзбек йигит-қизлари хорижнинг довруқли илм масканларида таълим олишаяпти. Миллий санъатимиз юлдузлари дунёнинг машҳур томошагоҳларида қўшиқлар куйлаб, олқишларга сазовор бўлишмоқда. Айниқса, спорт соҳасида қўлга киритилган ҳайратомуз ғалабалар, ўзбек курашининг жаҳонга чиқиши... барча-барчаси тўққиз йилнинг тўқсон мўъжизаси каби қалбларимизга сурур, кўзларимизга нур бағишлайди.

Ҳа, агар ютуқларимизни бирма-бир санайверсак, уларнинг адоғига етиш қийин. Энг муҳими, қадри ҳар нарсадан азиз инсон омили, унинг ҳақ-ҳуқуқлари биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилди. Халқнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Кеча тонналаб пахта териб, оғир, машаққатли меҳнатининг самарасини кўрмаган, ширин-шакар мева-ю сабзавот етиштириб, косаси оқармаган бободеҳқон бугун ўз ери, ўз ҳосилининг ҳақиқий эгаси, маҳсулотини ўзи хоҳлаган нархда, яна ўзи хоҳлаган одамига сотиши мумкин. Қолаверса, у эркин фаолиятига ғов бўлган ҳар қандай амалдорни бемалол судга бериб, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб олаётганининг гувоҳимиз. Қалб кўзи очиқ, кўнглида дину диёнати омон ватандошларимиз буларни чин дилдан эътироф этиб, улардан фахр-ифтихор туйиши турган гап. Аммо...

Сариосиё ва Узун туманлари тоғли қишлоқларига хуруж қилган босқинчи тўдаларнинг манфур қилмишлари бизни янада ҳушёр бўлишга, тинчлик ва осойишталигимизни кўролмайдиганлар ҳам бор эканлигини унутмасликка ундади. Кундан-кунга чирой очиб бораётган юртимизни вайронага айлантирмоқчи бўлган ғаламисларнинг нопок қадами ўз вақтида тўсилиб, Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги сақлаб қолинди. Афсуски, ушбу шон-шараф ишида не-не мард ўғлонларимиз жонларини қурбон қилдилар. Уларнинг бу қаҳрамонликлари асло беиз кетмади. Шу элнинг фарзандиман деган ҳар бир йигит-қиз уларнинг қисматини, Ватан ҳимоясини ҳаёт мазмуни деб билмоқдалар. Зеро, ёвуз ниятли кимсаларга қарши жунбушга келган қаҳрғазаб денгизига тўсиқ бўладиган куч дунёда йўқдир.

Пана-пастқамларда писиб, пайт пойлаган газандаларнинг шу кеча-кундузда бош кўтариб қолганлиги сира тасодиф эмас. Уларнинг чиркин нияти энг азиз, энг улуғ байрамимиз арафасида эл кўнглига ғулғула солиш эди. Оллоҳга шукрки, газандалар ғаразли мақсадларига эриша олмади, ножоиз кўтарилган бошлари интиқом ва адолат тоши остида мажақланди. Бу бизнинг бахтимизни кўролмаётган бошқа ғанимларга ҳам сабоқ бўлиши шарт.

Инсон учун киндик қони томган замин азиз ва мукаррам. Ўзбекистон бизга ана шундай муқаддас саждагоҳдир. Унинг ҳар бир қарич тупроғини кўзимизга тўтиё айлаб, жон қадар авайлаб-асраймиз. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманлари маркази, жумладан, пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони ўзгача шукуҳга бурканди. Ишончимиз комилки, элимизнинг улуғ айёмларини, тўйларини кўролмайдиган ғаламисларга ўчма-ўч бу йилги тантаналаримиз ҳам халқимизнинг мустақиллик йилларида ижтимоий-маънавий ҳаётда эришган мислсиз ғалабалари, миллий ғурури ва ифтихорини ифода этгувчи энг муқаддас байрамларимиздан бири бўлиб қолажак.

**Сирожиддин РАУФ**

# ВАТАН ВА ДИН ХОИНЛАРИ

Маълумки, бугун дунё аҳлини террорчилар деб аталувчи глобал масштабдаги гуруҳ ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ташвишга солмоқда. Терроризм ва диний экстремизмнинг чегара билмаслиги асримиз охирларига келиб ўз исботини топмоқда. Тинчлигу барқарорлик ҳукмрон бўлган мамлакатимизга ҳам босқинчи диний экстремист тўдаларнинг кириб келиши бундай гуруҳларнинг фаоллашаётганидан далолатдир. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларида кечаётган воқеалар барчани бирдек қаттиқ ташвишлантирмоқда.

Ёвузлик қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, у доимо халқнинг лаънатига лойиқдир. Террорчилар дунё аҳлига ўзларини ким деб таништиришларидан, қайси "дин учун жиҳод қилаётганларини" уқтирмасинлар, уларнинг ёвузликлари, жирканч башаралари ҳаммага аён. Муқаддас динимизга зарар етказувчи, бошқа дин вакилларида Исломга нисбатан шубҳа уйғотувчилар ҳам айнан мана шулардир. Ваҳоланки, Ислом дини ёвузликнинг ҳар қандай кўринишини кескин қоралайди. Демак, босқинчилар амалга ошираётган ҳаракатлар аввало Ислом динига қарши ҳаракатлардир. Дунёдаги тинчликни, фаровонликни, динлар, миллатлар ўртасидаги ҳамкорлигу тотувликни хушламайдиган кимсалар ёхуд гуруҳлар қўлидаги манқуртларга айланган бундай одамларнинг қилиқларини бошқача баҳолаб бўлмайди. Уларда на ор, на номус бор. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шу Ватан бағрида вояга етиб, "қўлидан иш келадиган" бўлгач, унга қарши тиғ кўтаришни қандай аташ мумкин!?

Мамлакатимизга ёвуз ниятда келган босқинчиларнинг тез орада йўқотилиши турган гап. Қаҳрамон жангчиларимизнинг, Ватандошларимизнинг кўзларига боқинг, сўзларига қулоқ солинг. Улар тинч ҳаётимизга раҳна солмоқчи бўлганларни шармандали мағлубият ва ўлим кутаётганини ишонч билан айтмоқдалар. Бироқ элу юртимиз осойишталиги учун шаҳид кетган ўн икки баҳодирнинг энди қайтмаслиги ҳам рост. Уларнинг бевақт ўлими душманларга бўлган нафратимизни янада оширади. Ватанни яна ҳам қаттиқроқ севишга, ардоқлашга ундайди.

**Қоржов ЧОРИЕВ,**
**Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

*Муносабат*

# ЁВУЗЛИКНИНГ УМРИ ҚИСҚА



Юртнинг оддий бир фуқароси, фарзанди, қолаверса, ҳуқуқшунос сифатида Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун туманларида кечаётган воқеалар мени ҳам чуқур ўйга солади.

Халқимиз тинч ва осойишта яшаб, Мустақилликнинг 9 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган бир пайтда газандалар тўдасининг сарҳадларимизга кириши кўнгилда бироз хавотир уйғотган бўлиши табиий. Бироқ ёвузликнинг умри қисқа. Томирида Амир Темурдек улуғ аждодларимизнинг қони жўш ураётган мард ўғлонларимизнинг кўкраклари Ватанга қалқондир. Жаҳонни титратган нене шоҳлар халқимиз иродасини буколмай, тиз чўкканлари тарихдан маълум. Бугун ҳам ана шу халқ бор ва у ўз Ватанини ҳар қандай ёвузлардан ҳимоя қилишга қодир.

Ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали Сурхон тоғларидаги воқеаларни кузатиб бораяпман. Ватан, халқ осойишталиги учун шаҳид кетган жангчи йигитлар сиймосини кўрганимда террорчи газандаларга нисбатан нафратим ортади. Ватанимиз осойишталиги ва равнақига раҳна солмоқчи бўлганларни шармандали мағлубият ва ўлим кутаётганлиги, шубҳасиз.

Турли мулоқоту йиғинларда юртдошларимиз ватанфуруш газандалар, ғаламис кимсаларга чексиз нафрат, қаҳру ғазаб изҳор этишмоқда. Бир ёмоннинг бир сабоғи бор, дейдилар. Юз берган бу қонли воқеалар барчамизга сабоқ бўлиб, кўзимизни каттароқ очиши, атрофимизга ҳушёрроқ қарашимизга туртки бўлиши лозим. Қалбимиздан отилиб чиқаётган нидо шуки, биз ўз Ватанимизни муқаддас деб биламиз. Кимки юртимизга қурол кўтариб келса, билсинки, уни бевақт ўлим – ажал етаклаб келибди.

**Комил БАҲРИТДИНОВ,**
**Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг катта маслаҳатчиси**

# "ИСТИҚЛОЛ"НИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ БЎЛАДИ

*Санация имкон демакдир*

Ўзгаларнинг самимий қувончи унинг туриш-турмушидан хабардор кишига ҳам қувонч бағишлар экан. Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги "Истиқлол" жамоа хўжалигида бўлганимда айнан шу ҳолатни дилдан ҳис этдим. Чунки бу жамоа хўжалиги кейинги бир неча йил давомида қолоқликка мубтало бўлиб, ўтган йилнинг ўзида 48 миллион сўм зарар кўрганидан, шу йил 1 январидан эса санацияга тушганлигидан хабардор эдим.

Айни кунларда жамоа хўжалиги аъзоларида эртанги кунга ишонч янада мустаҳкамланмоқда. Улар ўзгача шижоат, ишчан кайфият билан астойдил меҳнат қилишмоқда. Лекин бу ҳол ўз-ўзидан вужудга келгани йўқ, албатта.

Аввало, жамоа хўжалигида пилла топшириш режаси ортиғи билан адо этилди, 480 қути уруғнинг ҳар биридан 57 кг. дан "кумуш тола" олиниб, давлатга режадаги 24,8 тонна ўрнига 27,4 тонна пилла топширилди. Бу муваффақият хўжалик аъзоларини янада руҳлантирди. Зеро, қишлоқ хўжалик экинларини экиш ўз муддатида, сифатли тарзда бажарилган, уларни парваришлаш ишлари ҳам рисоладагидек олиб борилаётган эди. Деҳқонлар асосий эътиборни далаларга қаратиб, ўтоқ, чопиқ, ўғитлаш каби тадбирларнинг янада самарали бўлишига интилдилар. Интилишлар бежиз кетмади. "Истиқлол" жамоа хўжалиги туманда биринчи бўлиб, давлатга ғалла сотиш режасини бажарди. Хўжаликдаги 20 та бригада бўйича жами 660 гектар ерга экилган "Купала" ҳамда "Паловганка" навли буғдойдан гектарига 36,3 центнердан ҳосил олиниб, 2000 тоннадан зиёд ғалла топширилди. Ҳолбуки, гектаридан 29 центнердан буғдой етиштириш режалаштирилган эди.

-Давлатга сотилган дондан олинадиган жами даромад [illegible] миллион 752 минг сўмни ташкил этади, - дейди хўжалик бош иқтисодчиси Умиджон Патхуллаев.- Ғалла парвариши, ўрим-йиғим харажатларини чиқарадиган бўлсак, камида 26 миллион сўм соф фойда олишимиз керак.

(Давоми 3-бетда)

*Иқтисодий ислоҳотлар чорраҳасида*

# ДЕҲҚОННИНГ КОСАСИ ОҚАРМОҚ БЎЛДИ...

Йўлингиз Нишонга тушса, қайноқ чўл бағридан юлиб олинган катта-кичик экин майдонларида яшнаб турган пахтазорларни, қулф уриб ҳосилга кирган боғроғларни кўриб, дилингиз шодликдан энтикади. Шўро замонида бетартиб суғоришлар туфайли қиламиқ қор ёққандай оппоқ бўлиб шўр босган далаларни кўриб, ичингиз ачийди. Бу шўрхок заминнинг ҳар қаричида "умумнинг катта дастурхонига" файз киритаман деб, урина-урина ўзи қуруқ қолиб, косаси оқармаган деҳқоннинг пешона тери тўкилиб, оппоқ тузга айланган бўлса ажаб эмас. Бебаҳо истиқлол деҳқонга эрк берди. Уям энди олган даромадидан катта-катта тўйлар қиладиган, "Нексия", "Дамас", "Тико" минадиган бўлди. У энди ерга уруғ қадамасдан туриб оладиган даромади ҳисоб-китобини аниқ билади. Уни энди қонун ҳимоя қилади. Вақтида ёрдам берадиган, тарафини оладиган ўз уюшмаси бор. Биз яқинда Нишонда бўлганимизда туман ҳокими Аҳмад Муқумов билан учрашиб, у кишининг тавсияси билан туман деҳқон-фермерлар уюшмаси вакиллиги директори, тажрибали, кайвони раҳбар Ҳайитмурод Фармонов ҳузурига йўл олдик.

Ҳайитмурод ака бу вазифага тайинланганига яқинда бир йил тўлар экан. Асли чорвадор оиласидан чиққан бўлса ҳам, асосий касби-кори иқтисодчи бўлишига қарамай, Ҳайитмурод аканинг суяги деҳқончилик билан қотган. У киши гоҳ хўжалик раиси, гоҳ ижроқўм раиси, гоҳ ҳоким бўлиб ишламасин, ер илмига, деҳқончиликка астойдил меҳри туфайли обрў-эътибор топган. Биргина мисол: Ҳайитмурод ака фермерлар уюшмасига раҳбарлик қилган бир йилнинг ўзида туман миқёсида 170 та фермер хўжалик ташкил этилган. Фермер бўламан деб ариза берганларнинг сони бир талай. Нега? Чунки Ҳайитмурод ака деҳқоннинг ҳақ-ҳуқуқи учун ётиб олиб тортишадиганлардан. Деҳқонга сармоя, яхши уруғ, ер, сув, ўғит, техника керак. У ана шу имкониятлардан бирортасига эришолмаса дидлаган орзусига эришолмайди. Ҳайитмурод ака икки кам 70 ёшда бўлса ҳам ўз хоҳиши билан деҳқоннинг ҳам яроғи, ҳам қалқонига айланди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

Энди бизники бўлди, дея ўғлимнинг фермер хўжалигида ишлаб юрган эдим. Туманимиз ҳокими Аҳмад Муқумов чақириб деҳқон-фермер уюшмасига раҳбарлик қиласиз, деб қолди. Аввалига унамадим. Аҳмад ака мени қандай кўндирди денг: қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини энг яхши амалга ошириш йўли бу фермер хўжаликлари ташкил этиб, уларни қўллаб-қувватлаш, деб юрардингиз. Мана сизга имконият деб қолса бўладими? Ноилож рози бўлдим. Вакиллик иккига бўлинган экан. Униям қўшиб беришди. 180 та фермер хўжалик мавжуд экан. Вакилликнинг ҳатто идораси ҳам йўқ. Марказдан жой ажратишди. Мавжуд ҳолатни ўрганиб қарасам, хўжалик раислари бечора фермерга фақат ташландиқ, сув чиқмайдиган, охирги қулоқдан сув ичадиган ерларни беришган. Хоҳласанг қил, бўлмаса катта кўча, қабилида. Биз аввало фермерни ташқи зуғумдан асрадик. Оталиғимизга олдик. Ўтган йилнинг ўзида фермерларимиз ўз далаларида 6 минг тоннадан зиёд ғалла, 1,5 минг тонна сабзавот ва полиз экинлари етказиб берди. Даромад шунга яраша кам бўлмади. Ҳар бир фермер билан яккама-якка ўз даласида учрашиб, маслаҳатлашдик. Қайта-қайта йиғилишлар ўтказдик. 4 та фермер хўжалиги раиси ариза бериб бўшаб кетди. Улар ўрнига бир йилнинг ўзида 170 та деҳқон фермер хўжалиги ташкил этилди. Эндиликда фермерлар сони туман бўйича 376 та бўлди. Айни кунда фермерларимиз 5 минг тонна дон, 300 тонна гўшт, 400 тонна сут етказиб берди. 2700 гектар майдонга пахта экканмиз. Барча майдонлар бир марта мириқтириб суғорилди. Ниҳолларнинг авжи яхши. Хабарингиз бор, қишда қор тушмади. Баҳорда эса ҳар куни булут босиб келди-ю, бир томчи ҳам ёмғир тушмади. Ёзнинг ҳарорати шу даражада баландки, ҳатто чўлга ёпирилган чигирткалар ўт-ўлан йўқлигидан жазирамада қовжираб қирилиб кетди.

Шундай фермерларимиз борки, улар ҳамиша ўрнак. Фермер Ибод Соҳибов ўтган йили ғалладан 30 центнер, пахтадан 28 центнердан ҳосил кўтарди. Зоҳид Худоёров, Холиер Мингяровлар эса ўз хўжалиги далаларидан 35 центнердан ғалла, 35 центнердан пахта ҳосили олишди. Зиядулла Фармонов эса пахтадан 40 центнер, ғалладан 35 центнер ҳосил кўтарди. Бу йил ҳам кўзланган марралар албатта забт этилади. Мавжуд фермер хўжаликларимиз 6 та кооперативга бирлашган. Барча ҳисоб-китоблар ана шу кооперативлар орқали бажарилади. Бизнинг экинларимиз ҳар қандай хўжалик ёки пудратчиникидан фарқли равишда баравж ва серҳосил. Олинадиган даромад ҳам кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам туманимизда қишлоқ хўжалиги иқтисодий ислоҳотларни оғишмай амалга оширишда фермерлик ҳаракати барча деҳқонлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ишонмасангиз ўзингиз бориб кўринг.

Шундан сўнг биз Ҳамза номли 4-А хўжалик ҳудудида жойлашган "Тоҳир" деҳқон фермер хўжалигида бўлдик. Хўжалик ўтган йили ғалладан ҳам, пахтадан ҳам мўл ҳосил кўтарган. Қизиғи, хўжалик ташландиқ қумлоқ ерда деҳқончилик қилган. Аъзолари эса ҳалол меҳнатини, пешона терини, қалб қўрини аямаган. Ўтган йили ҳам, бу йил ҳам хўжалик катта миқдорда соф фойда олган. Ғўзаларнинг авжини кўриб, кўзингиз яшнайди. Деҳқоннинг косаси оқарган куни бошқаларнинг ҳам дастурхонига файзу барака энишига шунда ишондик.

**Ғози РАҲМОН,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

*Божхонамиз фидойилари*

# ҒУРУР ВА МАСЪУЛИЯТ

Халқимиз оқ кўнгил билан уйга ташриф буюрган кишини азиз билиб бошига кўтаради, меҳмон сифатида сийлайди, оёғининг тагига қўй сўяди. Азалий удумимиз шунақа. Бироқ юрт тупроғига яширин шум ният, макр-ҳийла ёки нопок манфаат илинжида қадам қўймоқчи бўлганларнинг режалари пучга чиқиши тайин. Турли қинғирликлар билан бойлик орттириш пайида бўладиган "чаққонлар"нинг эса "илму амал"лари зийрак божхона ходимларининг ўткир нигоҳидан четда қолмади. Бизнинг Бухоро вилояти божхона бошқармаси шахсий таркибиди ҳам ана шундай назари тийрак, ўзи хушёр ва журъатли йигитлар талай. Мен мазкур бошқарманинг раҳбари сифатида улар билан фахрланаман ва ишонтириб айта оламанки, вилоятимиз ҳудудига ғаразли мақсадда, нопок ниятларда кириб келадиган қонунга хилоф ашёлар, маҳсулотлар ва таъқиқланган нарсаларни олиб кирадиганлар пайи ўз вақтида қирқилади.

Келинг, сўзларимиз қуруқ бўлмаслиги учун вилоят божхона бошқармаси шахсий таркиби келтираётган самарани акс эттирган айрим рақамларни келтириб ўтайлик. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида божхона тўловларини ундириш ва давлат бюджетини тўлдириш бўйича 1.125 миллион сўмдан зиёд кирим қилинди. Давлат фойдасига мусодара қилинган товарларни сотишдан тушган маблағ 46.543 минг сўмни ташкил этган бўлса, ундирилган жарималар 2.625.100 сўм бўлди. Шунингдек, шахсий таркибимиз контрабанда товарларни олиб ўтишга, хорижий валюта бойликларини ташқарига олиб чиқиш ҳамда олиб кетишга қарши муросасиз кураш олиб бориб, самарали натижаларга эришмоқда. Чунончи, 2000 йилнинг биринчи ярмида вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари билан ҳамкорликда ўн ҳолатда 2167,58 грамм гиёҳвандлик моддалари қўлга олинди. Республикамиз ҳудудидан нақд хорижий валюта бойликларини олиб чиқишнинг еттита ҳолати аниқланиб, 3360 АҚШ доллари миқдорида чет эл валютаси олиб чиқиб кетилишига чек қўйилди.







Халқимизнинг улуғ шодиёнаси - Мустақиллик айёми арафасида фидоий ходимларимизни, озод мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қонун устиворлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатаётган ҳамкасбларни қутлайман. Бошқармамиз шахсий таркибига намуна бўлиб, ўзига юкланган вазифани чин дилдан адо этаётган вилоят божхона экспертизалар лабораторияси бошлиғи Муҳиддин Шодиев, катта нозир Султон Сариев, божхона ходимлари Саъдулла Бозоров, Шуҳрат Ашуров, Алишер Шарипов, етти йилдан бери 6-постда бошлиқ бўлиб хизмат қилиб келаётган Илҳом Тешаевлар бизнинг фахримиздир. Илҳом Тешаев айни пайтда ҳуқуқий билимларини янада такомиллаштириш мақсадида сиртдан СамДУнинг ҳуқуқшунослик факультетида таълим олмоқда. Ватанимиз осойишталиги, халқимизнинг барқарор турмуши ана шулардай фидоий божхона ходимларининг ҳалол хизматларига ҳам боғлиқки, бу шарафли вазифа бизга ҳам ғурур, ҳам масъулият юклайди.

**Ноҳид УСМОНОВ,**
**Бухоро вилоят божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати подполковниги.**

*Суратларда: 1. Экспертизалар лабораторияси бошлиғи Муҳиддин Шодиев катта нозир Султон Сариев билан товарларни классификациялаш юзасидан иш олиб бораётган пайти. 2. Навбатчилик қисми нозирлари Саъдулла Бозоров, Фаҳриддин Салоҳитдиновлар ўзаро мулоқотда. 3. 6-пост бошлиғи Илҳом Тешаев иш устида.*

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.**

*Аудиторлик хизмати*

# РАҚОБАТ ОЧИҚ ВА ҲАЛОЛ БЎЛСИН

Тараққиётнинг бозор иқтисодиётига асосланган йўлидан бораётган мамлакатимизда бюджетдан ташқари барча хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини эркин ривожлантириш ҳуқуқи берилди ҳамда фаолият учун иқтисодий ва молиявий масъулият оширилди. 1992 йилнинг 9 декабрида Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ва унинг мамлакатимиз парламентининг ўтган сессиясида янги таҳрири қабул қилиниши, кейинги йилларда эълон қилинган фармон ва қарорлари барча корхона, ташкилотлар йилига бир марта ўзаро тузилган шартномага асосан аудиторлик текширувидан ўтишини шарт қилиб қўйилиши бунга яққол мисолдир.

Кўпчиликка яхши маълумки, айниқса бозор ва ўтиш шароитларида ҳар бир корхонанинг молия-хўжалик фаолиятида бошқа ташкилотлар билан олди-берди муомалалари бўлиши муқаррар. Ҳозирги пайтда бу тўғрида аччиқ ва тўлиқ молиявий ахборот /маълумот/лар олиш ва унга баҳо беришни фақат мустақил фаолият кўрсатаётган аудиторлар /аудиторлик ташкилотлар/гина уддалай олади.

Республика Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармаси бошлиғи Ш. Чўлдиевнинг "Аудитор-иқтисодиёт мутахассиси" сарлавҳали мақоласи /"Инсон ва қонун", 18 июл/ тизим ходими сифатида менда ҳам ёрқин таассурот қолдирди. У янги таҳрирдаги Қонунимизнинг амалга кириши муносабати билан эълон этилгани боис қатор қоида ва хулосаларни баён этганки, улар ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиладиган долзарб вазифадир. Мен ҳам ўз навбатида шу йўналишдаги айрим фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Республика Президентининг Вазирлар Маҳкамасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги маърузасида корхоналарни текширишни камайтириш мақсадида, айниқса, назорат ва прокуратура органлари фақат холисона, ишончли ва мустақил бўлгани аудиторлик хулосаларидан фойдаланиши етарли эканлиги тўғрисидаги талабларнинг қўйилиши бежиз эмас эди, албатта. Ушбу кўрсатма ҳамда янги таҳрирда қабул қилинган, 2000 йил 1 сентябрдан кучга кирадиган Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни талабларини бажаришга биринчи навбатда аудиторлар /аудиторлик ташкилотлари/, вилоятдаги, қолаверса, республикамиздаги хўжалик юритувчи субъектлар ва шу масалага узвий алоқада бўлган "Солиқ идоралари тайёрми?" деган саволга бемалол "Ҳали етарли эмас" деб жавоб бериш мумкин.

Хўш, бунинг сабаби нимада ва масаланинг ечими қандай ҳал бўлади?

-Биринчидан, Республика Президентининг 1996 йил 8 августидаги "Текширишларни тартибга солиш ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони мутассади идоралар томонидан тўкис бажарилаяпти деб бўлмайди. Чунки, унинг 5-банди билан давлат Солиқ Қўмитаси ва Молия вазирлигидан ташқари барча тизимларда аввалги назорат-тафтиш хизматлари тугатилган ва улардаги барча хўжалик юритувчи субъектларда ҳам фаолиятни таҳлил қилишнинг аудиторлик шаклларини қўллаш топшириғи берилган эди. Аммо аввалдан, бирга ишлаб келган ва энди бекор қолган "ревизорлар" тизим раҳбарлари билан келишиб олиб, фақат шу соҳага хизмат қиладиган аудиторлик фирмаларини тузиб олдилар, соҳа корхоналари билан шартномалар юқори идораларнинг тазйиқлари билан амалга оширилди, теширувлар ҳам шу тарзда ўтказилиб келинаяпти.

Ажабланарли жиҳати, ҳатто чекка туманлардан ҳам аудиторлик хизмати ҳақларининг барчаси тўғридан-тўғри вазирлик ва юқори бошқарув органлари манзили бўйича тўланаяпти. Чунки, бу "ташаббус"нинг бош ташкилотчиси ўша ердаги вазирликда ёки идорада ўтирибди. Вилоятимизда эса, бу "ташаббус" юқори раҳбарларининг топшириғи билан соҳа бошлиқларининг ҳоҳиши асосида амалга оширилаяпти.

Қисқаси, бу "ташаббус"корлар ва уларга хизмат қилиб келаётган аудиторлик фирмалари ўз ҳаракатлари билан "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига ва "Товар бозорларида монопалистик фаолиятини чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига зид иш тутиб келдилар. Ўйлаб кўринг-чи, бундай шароитда тизимларга хизмат қилаётган аудиторлик ташкилотларининг берган ҳисобот ва хулосаларида мустақил фикрлаш ва холислик тўғрисида гап бўлиши мумкинми? Бошқа мустақил аудиторлик идораларининг ташкил бўлишига зарурат қоладими? Бу саволга жавоб тариқасида янги таҳрирдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси билан аудиторлик ташкилотлари вазирликлар, давлат Қўмиталари, идоралари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан тузилиши тақиқланган ва ушбу ҳужжатнинг 13-моддасида "Аудиторлик текширувининг буюртмачиси, аудиторлик ташкилотини мустақил танлаш ҳуқуқига эга" эканлиги аниқ кўрсатилган.

Ўйлаймизки, яқинда тузиладиган Республика аудиторларининг жамоат бирлашмаси соҳалар ташкил қилиб олган ва фақат тизимларга хизмат кўрсатаётган аудиторлик фирмаларининг фаолиятига чек қўядилар. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси ҳам бу масалада, албатта ўз сўзини айтади.

-Иккинчидан, бозор иқтисодиёти ҳақиқий аудиторлик бозорини шаклланишини тақазо этади. Ҳаммамизга маълумки, талаб бўлмаган жойда ҳар қандай яхши молнинг қадри бўлмагандек, хусусан вилоятимизда аудиторлар /аудиторлик ташкилотлари/нинг сон жиҳатдан кўпайиб, ҳақиқий ва ҳалол рақобат асосида сифатли иш олиб боришлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки, барча тизимлар ва уларга хизмат қилаётган аудиторлик фирмалари бир қобиққа ўралиб қолганликлари сабабли уларга рақобатчиликнинг ҳеч қандай зарурият йўқ.

Бундан ташқари, вилоятдаги мавжуд 10000га яқин хўжалик юритувчи субъектлардан ҳар йилига 2000 тага яқини аудиторлик текширувидан ўтказилаяпти, холос. Ўртача бир аудиторга йилига 20 тадан корхона тўғри келганда ҳам қолган 8000 тасини текшириш учун камида қўшимча 400 та аудитор керак бўлсада, бу зарурат юзага чиқмай қолаяпти. Бунинг қуйидаги сабаблари мавжуд:

Барча хўжалик юритувчи субъектлардан йиллик ҳисоботларни аудиторлик текширувига асосланиб ёзилган хулосалар билан қабул қилиш топшириғи солиқ идораларига Молия вазирлиги ва давлат Солиқ Қўмитасининг 1996 йил 9 декабрдаги 13/09-888-сонли қўшма хатидаёқ қатъий қилиб берилган эди. Аммо бу топшириқ негадир вилоятимизда ҳанузгача бажарилмай қолаяпти. Устига-устак, кўпчилик солиқ идоралари, айниқса, мустақил аудиторлик ҳизматини негадир инкор қилиб келаяпти. Аксарият ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарлари эса аудиторлик хизматининг моҳиятини тушуниб етмаяптилар, иложи бўлса, улардан узоқроқ юришни афзал билаяптилар.

Хулоса шуки, вилоятимизда, қолаверса, республикамизда ҳам аудиторлик хизмати бозори жуда суст. Кучли бозорни юзага келтириш учун аввало Низомларида шаклан "ташқи" бўлиб, мазмунан тизимларга "ички" хизмат қилиб келаётган аудиторлик ташкилотларини батамом тугатиб, уларнинг ўрнига ўз ишидан халқаро ва миллий аудит стандартларига тўлиқ жавоб берадиган мустақил аудиторлик ташкилотлари пайдо бўлишига эришишимиз керак. Бу Қонун талабидир. Шундагина мустақиллик самараси бўлган "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун ва бу соҳадаги меъёрий ҳужжатлар тўлиқ бажарилади, аудит бозорида рақобат очиқ ва ҳалол бўлади. Шундагина хўжалик юритувчи субъектлар холис, ишончли, малакали ва албатта, мустақил аудиторлик хулосасига эга бўлади.

**Хуррам НОРҚОБИЛОВ,**
**Ал-Ҳаким ат-Термизий мустақил аудиторлик фирмасининг бош директори**

*Ислоҳот: мажбурият ва масъулият*

# ЭЛИ БОЙ БЎЛГАН ЮРТ

## *ДОИМ БАДАВЛАТ ВА ОБОД БЎЛУР*

***Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасида "Асосий мақсад — қишлоқда аввало чинакам мулкдорларни, ерга, мулкка ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан ҳақиқий эгалик туйғусини шакллантиришдан иборат" эканлигини таъкидладилар. Мажлисда қишлоқдаги ислоҳотларни амалга оширишда расмиятчилик, ишга пала-партиш ҳамда масъулиятсиз ёндашиш ҳоллари учраётгани танқид қилинди. Шу билан бирга хўжалик ички иқтисодий механизмини ўзгартириш ҳамда такомиллаштириш, ички хўжалик шартномаларини тузишдаги хато ва камчиликларга барҳам бериш, оилавий пудрат бўйича алоҳида ҳисоб-китоб олиб бориш сингари вазифалар яна бир карра белгилаб берилди.***

***Самарқанд вилоятида Юртбошимиз маърузасида кўрсатиб ўтилган йўл-йўриқлар ўрганилмоқда, қиёсий таҳлил қилиниб, бажарилиши лозим бўлган ишлар аниқ белгиланаётир. Мухбиримиз Пахтачи туманидаги Тош Кенжаев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Бўривой ТОИРОВ билан суҳбатлашиб, қуйидагиларни ёзиб олди.***

- Ҳақиқатан ҳам маърузада таъкидланганидек, ҳар бир пудратчи ўзининг қанча меҳнат қилганини, ижарага олинган майдондаги ҳақиқий ҳосилдорлик даражаси қанча бўлганини, шунга яраша даромад ёки соф фойда олганини билмаса ислоҳотлар тўғрисидаги гапларимиз қуруқ гаплигича қолаверади.

Бизнинг жамоа ширкат усулида биринчи йил меҳнат қилаётир. Ширкатга ўтишдан аввал хўжалик аъзоларининг меҳнат меъёрлари аниқланиб, уларнинг мулкий улушлари ҳисоблаб чиқилди. Мавжуд 1118 гектар ер майдони 560 оилавий пудратчига узоқ муддатга берилди. Етиштирадиган маҳсулот тури, сарф-харажатлар миқдори аниқ ҳисоб-китоб қилинди. Аванс тариқасида ойма-ой бериладиган ойлик маош, йил охирида олинадиган даромад ширкат хўжалиги бошқаруви ва пудратчи звено ўртасида шартнома асосида ҳужжатлаштирилди. Механизация бўйича нархнома ишлаб чиқилди. Механизаторнинг меҳнат ҳақи, ҳар гектар майдонга кетадиган ёқилғи мойлаш материаллари, амортизация харажатлари нархномада кўрсатилган. Унда машина-трактор парки ишчиларининг меҳнат ҳақлари ҳам қайд этилган. Бундан ташқари ҳар бир пудратчи звенонинг алоҳида чек дафтарчасини ташкил этдик. Ҳисоб-китоб ишлари пудратчи томонидан чек системасида олиб борилади.

Пахтачиликда 422 та оилавий пудратчи звено ишлаётган бўлса, ҳар бир аъзога 1,72 гектар ер тўғри келади. Ғаллачиликда эса ширкат усулида ишлаш самарали эканлиги аён бўлиб қолди. Одамларда ширкат усулининг афзаллигига ишонч ортди. Чунки ғаллачилик билан машғул 60 та пудратчи звенонинг ҳаммаси сув танқис келган бу йилги шароитда ҳам белгиланган шартнома режаларни адо этишди. Шартномада ғалладан олинадиган ҳосил 45 центнердан ошса, ошган ҳосилнинг 30 фоизи, бордию, 50 центнердан ошса, ошган ҳосилнинг ҳаммаси пудратчиники эканлиги қайд қилинганди. Буни тўғри тушунган ғаллакорларимиз ерга эгалик туйғусини ҳис қилишиб, сидқидилдан ишладилар, ҳосилнинг пайҳон бўлмаслиги учун курашдилар. Давлатга 880 тонна ўрнига 1000 тонна ғалла сотилди, яъни ширкат хўжалиги бўйича 1372 тонна ғалла олинди. Ички хўжалик шартномалари тўғри тузилганлиги натижасида пудратчи звенолар меҳнатига ҳақ тўлаш аввалги йиллардагидан анча яхшиланди.

Президентимиз қайд этган айрим камчиликлардан ширкат хўжалигимиз ҳам холи эмас, албатта. Масалан, бригадир штатини олайлик. Бизда тўққизта пахтачилик бригада бошлиғи штати сақланиб турибди. Сабаби экин майдонларимизнинг 52 фоизи сув насослари орқали суғорилади. Саккизта сув насосининг иккитаси электр қуввати, олтитаси дизел ёқилғиси билан ишлайди. Звено бошлиғининг кўп вақти сув насоси олдида ўтмаслиги керак. Бу ишга вақтинча бригада бошлиғи раҳбарлик қилсин, сув тақсимоти ва бошқа ташкилий ишлар билан шуғуллансин, деган мақсадда шундай қилинган. Келгуси йилдан бригада бошлиғи штатларига барҳам берилади. Сув насослари сарф-харажатимизни кўпайтираяпти.

Юртбошимиз: "Деҳқон бой бўлган юрт доим бадавлат ва обод бўлур" дея таъкидладилар. Демак, ислоҳот бизга юксак мажбурият ва масъулият юклайди. Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа ҳуқуқий асосларни қанчалик чуқур ўрганиб, ишни шу асосда ташкил этсак, жаннатмакон юртимиз тезроқ бадавлат ва обод бўлиши шубҳасиз.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

